# 1995 ЙИЛДА БУНЁД ЭТИЛГАН



Асосий байрам тантаналари ўтадиган Мустақиллик майдони



«Тахтапул» даҳасида қад кўтарган шинам уйлар.



Пойтахт марказида фойдаланишга топширилган янги меҳмонхона.




Кўз хасталиклари янги шифохонаси.



Олой бозорига кираверишдаги муҳташам арк.



Амир Темур кўчасидаги янги кўнгилочар боғ.



Бўзсув устига қурилган кўприк.

# ШАРҚ ЮЛДУЗИДЕК ПОРЛАЙВЕР, ПОЙТАХТ!

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Сағбон, Қорасарой, Форобий ва бошқа тарихан таркиб топган кўчалар ён атрофидаги хароба иморатларни бузиш юзасидан катта ҳажмдаги иш бажарилди. Ана шу жойларда зарур муҳандислик коммуникациялари ўтказилмоқда. Кўчалар кенгайтирилиб, асфальт ётқизиляпти. Кўп ўтмай улар бўйлаб трамвай ва троллейбуслар қатнови йўлга қўйилади. Кенг кўчалар ёнларида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Келгусида эса бу ерларда замонавий уй-жойлар, гузарлар, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари қад ростлайди.

**— Қурилиш ишларининг кўлами Эски шаҳар билан чегараланмаса керак?**

— Йилнинг биринчи ярмида Қамарнисо кўчаси бўйлаб унинг Мирзо Ғолиб кўчасидан Чимбой кўчасигача бўлган қисмида трамвай излари ётқизилди. «Алпомиш» спорт саройи— «Қорақамиш 1/2" 18-йўналиши бўйича янги трамвай, Подмосковная кўчасининг Сегизбоев кўчасидан Якуб Колас кўчасигача бўлган 5,5 километр узунликдаги қисмида троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

Шаҳарда 20 та кичик нон корхонаси ишга туширилди. Уларда 180 тонна атрофида харидоргир турли нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундай кичик нон корхоналари Чилонзор туманидаги Дўмбрובод ва «Алгоритм» мавзеларида, Юнусобод туманининг 4 ва 10-даҳаларида, Яккасарой туманидаги Қушбеги ва Фарҳод кўчаларида, бошқа жойларда ишлаб турибди. Мустақиллик куни байрамигача Германиянинг «Винклер» фирмаси замонавий машина-ускуналари ўрнатилган яна ана шундай 5 та кичик нон корхонасини фойдаланишга топширади.

1995 йил бошидан буён шаҳарда 1300 тадан кўпроқ сотувчи ўрни бўлган 5 та деҳқон бозори қурилди ва қайта таъмирланди. Бу «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесидаги «Янгиобод», Юнусобод 13-даҳасидаги, «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги» ва «Рисовий» деҳқон бозорларидир. Байрам арафасида эса Сергели туманининг 6-даҳаси, Ибн Сино мавзесидаги ҳамда «Паркент» деҳқон бозорлари ва бошқалар қуриб битказилади.

Бўржар анҳори устидан ўтган янги кўприкдан Бобур кўчаси бўйлаб транспорт ҳаракати бошланди. Ўзбекистон миллий боғини кенгайтириш, Туроб Тўла кўчасини, Қодирий кўчасини Пушкин кўчасидан Ҳамза кўчасигача бўлган қисмини, Фарғона йўли кўчасини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу иншоотлар ҳам 1 сентябргача фойдаланишга топширилиши керак.

Шаҳарда ҳозир яқин вақтда қуриб битказилган 22 та маҳалла гузари ишлаб турибди. Мустақиллик кунигача маҳаллаларда яна 28та гузар қуриб бўлиниши керак.

Қамарнисо кўчаси йўл қатламини янгилаш ишлари ниҳоясига етди. Хорижнинг «Виргент» янги технологияси асосида Ниёзов, Абдураҳмонов, Асомов, Нукус, Афросиёб ва бошқа кўчалар қайта таъмирланди.

«Маҳалла» дастурини бажаришга доимий катта эътибор бермоқдамиз. Шаҳар маҳаллаларида йилнинг биринчи ярмида 30 километр узунликда газ, 42 километр узунликда оқава сув тармоқлари ўтказилди. Ташқи ёритиш тармоқларининг 12 километрдан кўпроқ қисми таъмирланди. Шахсий хонадонларда 820 та телефон ўрнатилди. Бу кўрсаткичлар биринчи ярим йилликка белгиланган топшириқдагидан кўпдир.

**— Бу қурилиш ишлари жуда катта маблағ талаб этса керак...**

— Ҳа. Республика ҳукумати пойтахтни қайта қуриш ва обод этиш учун зарур маблағлар ажратиб бермоқда. Айни пайтда қурилишлар учун керак бўлган маблағнинг анчагина қисмини шаҳар ўзи ишлаб топяпти. Шаҳар ҳокимлиги молиявий аҳволни барқарорлаштириш, саноат корхоналари ишини яхшилаш учун ҳамма чораларни кўряпти.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб боряпмиз. Бугунги кунда шаҳарда давлатга қарашли бўлмаган 9 мингта корхона ишлаб турибди. Улардан 1500 тасига яқини саноат, 2645 таси савдо корхоналаридир. Биринчи ярим йиллик якунларига кўра умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 42 фоиздан кўпроғи, маиший хизмат ҳажмининг 67 фоизи, савдо оборотининг салкам 85 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

1995 йил бошидан буён 538 та иншоот хусусийлаштирилди. Бундан 142,6 миллион сўм маблағ тушди. Шу давр ичида 4039 та хусусий ва кичик корхона очилди.

Шаҳарда 314 та ҳиссадорлик жамияти рўйхатга олинган. Уларнинг 121 таси ўз акцияларини чиқарди.

Тошкентда 500 тадан кўпроқ қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Биринчи ярим йилликда уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1,9 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу тузилмаларда 17 минг нафардан ортиқ киши ишлаяпти. Электрон техника ишлаб чиқариш бўйича «ДЭУ корпорейшн» (Жанубий Корея), хизматлар кўрсатиш бўйича «Рейк-Ксерокс» (Буюк Британия), иншоотлар қуриш бўйича «Бурсель» (Туркия), нафис бадиий буюмлар, тақинчоқлар, эсдалик совғалари ишлаб чиқариш бўйича «МВМ» (Италия), тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича «Венус ЛТД» (АҚШ) каби қўшма корхоналар шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**— Чет эл фирмалари билан янги алоқалар ўрнатиш, шаҳар иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш истиқболлари қандай?**

— Шаҳар ҳокимлиги янги сармоядорларни топиш, улар билан қўшма корхоналар тузиш юзасидан шартномалар имзолаш, шу орқали ишлаб чиқаришга энг янги технологияларни жорий этиш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда. Айни пайтда биз хорижий шерикларни энг замонавий меҳмонхоналар, супермаркетлар ва бошқа иншоотлар қурилишига жалб этиш чораларини кўряпмиз. Тошкентдаги «Ўзбекистон» чарм-пойабзал ҳиссадорлик ишлаб чиқариш жамияти негизида Покистоннинг «Лезер филд» фирмаси билан чармга ишлов бериш бўйича, ярим тайёр ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этилди. «Ўзнефтьгазқурилиш» саноат корхоналарини таъмирлаш ва қуриш бўйича «ЎзАқурилиш ЛТД» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонасининг таъсисчиси бўлди.

Ҳозирги пайтда шаҳар ҳокимлиги хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда янги қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан тегишли ҳужжатларни тайёрламоқда. Меҳмонхоналар қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича «Тошкент-Метрополь» Ўзбекистон-Англия-Франция, биноларни таъмирлаш, меҳмонхона мажмуалари барпо этиш, Ўзбекистон иқтисодиётига немис фирмалари сармояларини жалб этиш бўйича «Иеноптик» (Германия иқтисодиёт уйи) Ўзбекистон-Германия масъулияти чекланган жамият, фуқаро иншоотлари қуриш бўйича «Шарқ юлдузи» — «Сигма ва Ассоциация ЛЛС» Ўзбекистон — Америка, халқаро андозаларга жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича «Тошкент Феал Интернасионал» Ўзбекистон-Франция корхонаси шулар жумласидандир.

Қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан бошқа лойиҳалар ҳам кўриб чиқилмоқда.

Мамлакатимиздаги тинчлик, тотувчилик ва барқарорлик хорижий сармоядорларни биз билан яқин алоқа қилишга ундамоқда. Уларга республикамизда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш учун ҳамма шароитлар яратилганлигини ҳам эслатиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас.

**—Козим Носирович, биз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўз маданиятимиз, тарихимиз, тилимиз ва анъаналаримизга эътиборни кучайтирдик. Маҳаллаларнинг ўз-ўзини бошқарув идоралари сифатида равнақ топаётганлиги бунинг ёрқин тимсоли эмасми?**

—Жуда тўғри. Маҳаллаларнинг ўз-ўзини бошқарув идоралари сифатидагина эмас, балки ўз ҳудудларида тинч-тотувчилик ва барқарорликни сақлаш, ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Ҳозирги пайтда шаҳарда 493 та маҳалла бор. 1993 йилда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув маҳаллий органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингандан сўнг улар фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй берди. «Маҳалла» республика фондининг Тошкент бўлими ташкил этилди. У туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот, муассасалар билан қалин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Маҳалла йиғинлари ободонлаштириш ва тозаликни таъминлаш, кичик корхоналар ташкил этиш, маҳалла аҳолилари учун ҳаётий муҳим бўлган бошқа масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, Яккасарой туманидаги Ўрикзор маҳалласида қисқа вақт ичида «Гулпари» кичик корхонаси, аккумуляторларни таъмирлаш бўйича устахона ва бошқа кичик корхоналар ташкил этилди. Маҳалла аҳли оқава сув қувурлари ўтказиш учун 2 километр узунликдаги ҳандақни ўз кучлари билан қазидилар. Бу маҳаллада канализация ўтказиш имконини берди.

«Янгиариқ» маҳалласининг оқсоқоли Кабир Комилов тўғрисида илиқ сўзларни айтиш мумкин. Ўтган йил якунларига кўра ушбу маҳалла республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш идораларининг кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга оширишда кенг иштирок этишларини таъминлаш мақсадида йилнинг биринчи ярмида 493 маҳалла қўмитаси махсус ҳисобларига 67,8 миллион сўм пул ўтказилди.

Яқинда шаҳар ҳокими ижтимоий-таъминот бошқармасига 98 та ногиронлар аравачаси харид қилиш учун 485 минг сўм пул ўтказди. Туман ҳокимликлари ҳам ана шундай 105 та аравача харид қиладилар. Бу ана шундай аравачаларга муҳтож бўлганларни улар билан тўла таъминлаш имконини беради.

**— Анъана бўйича Мустақиллик кунининг асосий тантаналари Тошкентда ўтади. Пойтахтда бу байрамга тайёргарлик қандай кетмоқда?**

— Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Мустақиллик кунини кенг байрам қилиш юзасидан махсус қарор қабул қилган эди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида ташкилий қўмита тузилди. Шаҳар ҳокими томонидан чиқарилган махсус қарорда ҳам Тошкентни байрамга тайёрлаш дастури белгилаб берилди. Уни амалга ошириш юзасидан кўпгина корхона ва ташкилотлар, концерн ва уюшмалар катта ҳажмдаги ишларни бажардилар.

Давлатимизнинг асосий байрамини шаҳардаги Мустақиллик, «Халқлар дўстлиги» майдонларида, Ўзбекистон Миллий боғи, Хадра майдони, Амир Темур хиёбонида ўтказиш дастури лойиҳаси тасдиқланган. Шунингдек, маданий тадбирлар ва байрам тантаналарини ўтказиш сценарийлари ҳам ишлаб чиқилган.

Мустақиллик кунига тайёргарлик доирасида шаҳар байрам либосига бурканмоқда. Тошкентда бадиий ҳаваскорлик концертларини, халқ усталари маҳсулотларининг кўргазма савдоларини, спорт мусобақаларини ўтказиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жамоат тартибини сақлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилган.

Байрам кунларида Анҳор соҳилида шаҳар 11 та туманининг ҳаммаси ўз саҳна майдончаларини ташкил этади. Уларда бадиий ҳаваскорлар чиқишлари ташкил этилади.

Халқлар дўстлиги майдонида миллий маданият марказлари ўз санъатларини намойиш этадилар. «Туркистон—Ватанимиз» шиори остида профессионал жамоаларнинг фестивали ўтказилади. Ўзбекистон Миллий боғида катта халқ сайли бўлади. Бу ердаги учта саҳнада бадиий ҳаваскорлар чиқишларини томоша қилиш мумкин бўлади. Хадра майдонида халқ сайиллари, давлат цирки ва ёш томошабинлар театри чиқишлари бўлади. Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдонда эса болалар учун катта байрам концерти тайёрланмоқда. Унда бадиий ҳаваскорлар қатори ёш ижрочиларнинг чиқишлари ҳам кўзда тутилган. Сайилгоҳ кўчасида ва Амир Темур хиёбонида бадиий асарлар кўргазмаси ташкил этилади. Фольклор-этнографик жамоалар ҳам ўз концерт дастурларини намойиш этадилар. Бу ерда ўзбек миллий таомлари сотуви йўлга қўйилади.

**—Козим Носирович, Мустақиллик куни арафасида «Оқшом» муштарийларига ва барча тошкентликларга қандай тилаклар билдирасиз?**

—Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис биринчи сессиясида қилган маърузасида мамлакатимизда инсон ҳамма нарсадан устивор бўлиши, ҳамма ишлар унинг манфаатини кўзлаб қилиниши зарурлигини уқтирдилар. Бунга Тошкент мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жуда қисқа вақт мобайнида пойтахтда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш учун кўп иш қилинди, бу энг асосий ютуғимиз бўлди. Барча тошкентликларни Мустақиллик куни билан табриклар эканман, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қувонч ва тотувлик тиламоқчиман. Шаҳримиз ҳар бир аҳолисининг энг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқсин. Ҳар бир тошкентлик келажаги буюк давлат барпо этиш учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшсин. Шаҳримизда ҳамиша дўстлик, тинчлик ва тотувлик барқарор бўлсин!



Ҳамза туманидаги уйлар.



Замонавий Фарғона йўли қурилиши.



Янги фавворалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

*Санъатимиз фидойилари*

# БАСТАКОР БАХТИ

Мен ҳар қачон қўшиқ эшитиб, завқ олганимда шу қўшиқни яратиб, хонанда ортида турган азиз одамларни ўйлаб кетаман. Бизлар кўпинча қўшиқ тинглаганимизда хонанда ҳақида ўйлаб қоламизу, шу қўшиқни яратган одамларни унутгандай бўламиз. Бундай саҳна ортида қолганлар кеча-кундуз изланиб, тинмай машқ қилиб сизу бизга маъқул келадиган бирор нарса яратишга интилган азиз одамлардан бир гуруҳи бастакор — композиторлардир. Юлдуз Усмонова ижро этадиган «Интизор кутдинг», Козим Қаюмовнинг «Тақдир», Гулбаҳор Сулаймонованинг «Дўст қадри» каби қўшиқларини бир эсланг. Уларни яратган моҳир ва изланувчан бастакор Алишер Икромовдир.

Алишер жуда ёшлигидан санъат оламига, унинг ажралмас бир қисми — мусиқага муҳаббат қўйди. Тўғрироғи, бастакорлик унинг юрагига жуда ёшлигидан кириб келди. Алишердаги бу ихлос ва муҳаббатни, қобилиятни сезган ота-она ўз фарзандини Успенский номидаги махсус мусиқа мактабида ўқитишди. Алишер 1975 йилдан бошлаб мусиқа билан шуғулланди. Унинг «Тошкент денгизи» номли қўшиғи биринчи марта 1975 йили Ўзбекистон «ойнаи жаҳони»да ижро этилди. Ўшанда Алишер эндигина 13 ёшга қадам қўйганди.

Алишер Икромов ўқиб-ўрганишдан асло толмади. У Оврупо мусиқа маданиятига ҳам қизиқди. Улардаги ибратли томонларини Шарқ мусиқасига олиб киришга интилди. Алишердаги бу қизиқиш уни Москва консерваторияси томон етаклади. Бу ерда у Тихон Хренниковдан таълим олди. Энди у астойдил ижодга берилди. Тошкентга қайтгач, пишиқ ва пухта билимга эга бўлган бастакор Алишерни Ўзбекистон «ойнаи жаҳони»га ишга таклиф этишди. Бу даргоҳда у бир неча йил муҳаррир бўлиб ишлади. У ўз билими ва истеъдодини тажрибада синаб кўра бошлади. Кўплаб шеърларга мусиқа басталаб хонандалар билан ҳамкорликда ишлаб ўнлаб қўшиқлар яратди. У шу кунгача 200 дан ортиқ шеърларга мусиқа басталаб, ўз истеъдодини намоён этди, эл аро танилди. Бастакор бахти мана шунда. Алишер каттароқ асарларга ҳам қўл ура бошлади. Кейинги йилларда бастакор драма, оперетта қўғирчоқ театрларининг спектаклларига қатор мусиқалар яратиб берди. Унинг бу интилишлари моҳир бастакорнинг янги-янги қирраларини очиб берди, илҳомига қўшилди. У 1989 йили «Садо» дастаси қатнашчилари билан бир неча хорижий мамлакатларга сафарга бориб, ўз маҳоратини Ўзбекистондан ташқарида ҳам намойиш этди. Алишер Икромов 1990 йили Ўзбекистон радио эстрада оркестрига ишга ўтди. Шу кеча-кундузда унинг атрофини эстрада шинавандалари, эстрада қўшиқларини ижро этувчилар, моҳир санъаткорлар ўраб олиб, Алишер билан ҳамкорликда янги-янги қўшиқлар яратмоқдалар. Гулбаҳор Сулаймонова, Козим Қаюмов, Кумуш Раззоқова каби эл назарига тушган санъаткорлар бугунги кунда Алишер Икромов билан ҳамкорликда янги-янги замонавий қўшиқлар яратиб, қўшиқ шинавандаларини хушнуд этмоқдалар. Шу кунларда радио қошидаги эстрада оркестрига дирижёрлик қилаётган Алишер Икромов шундай дейди:

— Ўзбекистонимизнинг Мустақиллигига тўрт йил тўлмоқда. Биз санъаткорлар, бастакорлар бу улуғ байрамга атаб янги-янги қўшиқлар яратяпмиз. Уларни яқин кунларда қўшиқ шинавандаларига тақдим этамиз.

Алишер ҳали ёш. Унинг қиладиган ишлари, куй басталайдиган қўшиқлари ҳали олдинда. Серғайрат ва изланувчан, иқтидорли бастакор Алишер Икромов ҳали кўплаб янги-янги асарлари билан элимизни хушнуд этади.

ТЎЛҚИН.

*Мутасаддилар фикрича...*

# БАЙРАМ КУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ҚАТНОВИ

**31 август ва 1 сентябрь кунлари ўн минглаб тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги шодиёналарида иштирок этадилар. Албатта, бундай кенг кўламли тадбирнинг муносиб даражада ўтиши учун турли хизматлар, жумладан, ДАН бошқармаси ходимлари ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.**

— Истиқлолимиз байрамининг асосий тантаналари ва театрлаштирилган томошалар 31 август куни Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан шаҳарнинг марказий қисмидаги бир қатор кўчаларда ҳаракат тўхтатилади, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Холмат Зокиров. — Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига мувофиқ 31 август куни соат 14 дан бошлаб қуйидаги кўчалар ёпилади: Навоий кўчаси Абай кўчасидан Амир Темур кўчасигача, Усмон Юсупов кўчасининг Навоий кўчасидан А. Қодирий кўчасигача бўлган қисми, Амир Темур кўчасида Истиқлол кўчасидан А. Қодирий кўчасигача бўлган чегараларда ҳаракат бўлмайди. (Жамоат транспорти соат 14.00 дан бошлаб А. Қодирий кўчасидан А. Тўқай кўчаси бўйлаб ўз йўналиши бўйича қатнайди).

Ҳамза кўчаси Истиқлол кўчасидан А. Тўқай кўчасигача ёпилади. Мовароуннаҳр кўчаси эса Матбуотчилар кўчасидан Яккачинор кўчасигача, Т. Шевченко кўчаси Ўзбекистон шоҳкўчасидан Яккачинор кўчасигача ёпилади. Буюк Турон кўчаси Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасигача, Ш. Рашидов шоҳкўчаси А. Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасигача бўлган чегарада ва Ўзбекистон шоҳкўчасида Мовароуннаҳр кўчасидан бошлаб Абай кўчасигача транспорт ҳаракати тўхтатилади. Бундан ташқари Сайилгоҳ, «Правда Востока», Ота Турк ҳамда Пушкин кўчаси Истиқлол кўчасидан А. Тўқай кўчасигача ёпилади.

Юқорида тилга олинган кўчалар байрам тадбирлари тугагунига қадар ёпиқ ҳолда қолади.

Шунингдек, 1 сентябрь куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида оммавий халқ сайиллари ўтказиладиган жойларда соат 8 дан 16 гача жамоат транспортларидан бошқа барча транспорт воситаларининг қатнови тўхтатилади. Бу қуйидаги кўчалардир: Ш. Рашидов шоҳкўчасида А. Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасигача, Ўзбекистон шоҳкўчасида А. Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасигача, Ўзбекистон шоҳкўчасида Мовароуннаҳр кўчасидан Т. Тўла кўчасигача, Навоий кўчасида У. Юсупов кўчасидан А. Темур кўчасигача ҳаракат тўхтатилади. Соат 16 дан бошлаб эса бу ерда жамоат транспортлари учун ҳам ҳаракат ёпиқ бўлади.

Шунингдек, 1 сентябрь куни эрталабки соат 8 дан оммавий сайиллар тугагунича жамоат транспортидан ташқари бошқа транспорт воситаларининг қатнови Амир Темур хиёбони, Матбуотчилар, Сулаймонова кўчалари, Буюк Турон кўчасида Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасигача, «Правда Востока» кўчалари бўйлаб тўхтатилади.

Оммавий сайиллар Халқлар Дўстлиги майдони, Ўзбекистон Миллий боғи, Хадра майдонларида ҳам ўтказилади. Ушбу майдонлар чегарасида ҳам транспорт воситаларининг ҳаракати оммавий сайиллар қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вақтинчалик тўхтатилиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳайдовчи ва пиёдаларга 31 август куни байрам тантаналарини ўтказиш пайтида ва 1 сентябрдаги оммавий сайиллар чоғида жуда хушмуомала ва эътиборли бўлишларини илтимос қиламиз.

Милиция майори
Вячеслав ТУТИН ёзиб олди.

# 1- МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ОЛДИДАН




## КОМИЛНИНГ ҲУМО ҚУШИ



**Ҳар бир йирик спорт анжумани, олимпиаданинг ўз рамзи бўлади. Унда имкон қадар кўпроқ маълумотлар акс этиши лозим. Ўйинлар ўтказиладиган давлатнинг табиий шароитлари ва анъаналарига кўра, бирор қуш ёки жониворни, умуман, ўша мамлакатни эслатиб турадиган нарса одатда ана шундай рамз сифатида танланади. «Олимпиада хўжайини»нинг қиёфасини яратиш рассомдан жуда катта маҳорат талаб этади. 12-Осиё ўйинларининг рамзи эсингизда бўлса, «хушчақчақ ва сергап ўрдакча», 1980 йилги Москва Олимпиадасида эса ёқимтой айиқча ана шундай вазифани бажарган эди.**

**1-Марказий Осиё ўйинларининг рамзий белгиси ҳам юқоридагилардан асло қолишмайди. Унда зангори осмонда учиб, йўқ, гўё оҳиста сузиб бораётган Ҳумо қуши тасвирланган. Афсонавий Ҳумо халқимизнинг энг эзгу тилаги — тинчлик, бахт-саодат келтирувчи қуш ҳисобланади. 1-Марказий Осиё ўйинларининг рамзини истеъдодли ёш рассом Комил Жонтоев ижод этган.**

**Биз мусаввир ижодхонасида бўлиб, у билан суҳбатлашдик.**

**— Комилжон, кенг маъноли тимсол яратиш осон эмас. Москва Олимпиадасининг рамзи энг аввало бир рассомнинг тушига кирган, уйғонгани заҳоти уни чизиб, машҳур тимсол яратишга муваффақ бўлган экан. Сиз-чи, бунга қандай эришдингиз?**

— Тўғри, рамз яратувчи рассом олдига жуда катта талаб қўйилади. Негаки, у ҳаммага бирдек ёқиши, тушунарли бўлиши керак. Лекин 1-Марказий Осиё ўйинларининг тимсолини яратиш мен учун умумий жуда мароқли бўлди. Чунки, Турон заминимизда барчамиз учун бўлган қадриятларимиз ишни янада енгиллаштиради. Масалан, Ҳумо қушини ҳамма қардошларимиз биладилар. Унинг ортидаги зангори осмон ва яшил фон, мезбон юрт—Ўзбекистонимиз байроғидир. Юқоридаги 12 та юлдузча ҳам байроқда акс этган, иккинчи томондан эса ўйинлар жадвалидаги 12 спорт турини билдиради. Рамзнинг пастки қисмида Олимпиада ҳалқалари тасвирланган. Бу — ўйинларнинг Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) тасарруфи остида ўтаётганлигига ишора.

**— Бу суратни биринчи уринишдаёқ чиздингизми ёки бошқа нусхалари ҳам борми?**

— Бу биринчи нусха эмас. Аввало республика жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси мутасаддиларининг илтимосига кўра бир нечта, ҳар хил нусхаларини чизгандим. (Комил шундай дея ранг-баранг суратларни кўрсатади. Бирида чиннигул, унинг гулбарглари ўйинларда қатнашувчи республикаларни билдиради. «1-Марказий Осиё ўйинлари» сўзлари япроқ шаклида чизилган. Бошқа нусхалари ҳам ўзига хос).

**— Илгари ҳам шундай рамзлар чизганмисиз?**

— «Спорт» газетасида бир йилдан буён ишлайман. Катта мусобақаларга сурат ишламаган бўлсам-да, газета рукнлари, сарлавҳа ва бошқа кичик суратларни чизиб бераман. Ишлар етарли. Биласизми, қизиқарли мақола ёзиш — ишнинг бир қисми, холос. Газета саҳифасига жойлаштириш, мақола мазмунига хос қизиқарли суратлар чизиш унинг ўқишлилигини янада оширади. Масалан, газетамизда Турон жанговар санъати «Минг аскар» ҳақида мақола берилди. Унда шу кураш устасининг сурати ҳам илова қилинган. Хўш, буни қандай қилиб янада ўзига тортувчан қилиш мумкин? Шундай йўлини топдик: қадимий Туроннинг табиат манзараси мақоладаги фикрларни янада очиши мумкин. Шунинг учун узоқда тоғлар, унинг устидаги ярим ой сурати, кенг водий, дарахтларга бурканган водийдаги шаҳар гумбазлари кўриниб турган манзара... Бунга қўшимча қилиб, уста жангчининг шиддатли қиёфасини уйғунлаштирдим. Қарабсизки, муваффақият чакки эмас!

**— Қойил! Тарихга жуда қизиқасиз шекилли?**

— Албатта. Мовий гумбазлар, бетакрор нақшлар, афсона ва эртак юрти ҳисобланган Самарқандда ўсганман. Энг катта орзуим — тасаввуримдаги соҳибқирон Амир Темур сиймосини яратиш. Бундай орзу, менимча ҳар бир рассомда бўлса керак. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий-графика факультетини битиргач, энг дастлабки асарларимдан бири сифатида — Буюк турк ҳоқонлигининг асосчиси Ўғузхон суратини чизгандим.

**— Ижодий режаларингиз қандай?**

— Юртимиз спортига катта меҳнати сингган инсонлар, унинг довруғини оламга ёйган спортчиларимизнинг суратларини чизиш ниятим бор.

Суҳбатдош
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.



# КУЛГИЛИ ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАР

**Абулқосим Тўйчиев ўзбек халқининг Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовдек етук санъаткори оиласида дунёга келиб, шу оилада тарбия топган, ўсиб-улғайган инсон. У эсини танибдики халқ орасида. Катта-катта сайиллар, улуғ айёмлар, тантаналар, кулги кечалари, тўйлар унинг ажойиб хандалари, ичакузди аскиялари билан қизиган, файзли ўтган, қанча-қанча инсонларнинг лабларига кулги, юзларига табассум ёйилган. Унинг ўзига хос санъаткор экани, талантининг кўзга кўринмайдиган бир қирраси шундан иборатки, ҳаётимизда учраган, турмушимизда рўй берган, «арзимас» кичик бир воқеа ёки ҳодисадан кучли кулгига сабабчи бўладиган тафсилотларини топа олади, унга сайқал бериб, жилолаб, яна халққа ҳадя этади. Қуйида муштарийлар эътиборига ҳавола этаётган воқеалар фикримиз далилидир.**

### БОШ БЎЛСА ҚАРАЙСИЗ

Ўзбек Давлат филармониясининг директори ханда устаси Абулқосим Тўйчиевга, саҳнага оппоқ соч билан чиқиш мумкин эмаслигини, кейинги концертга шу ҳолда келса, саҳнага чиқмаслигини уқтирди. Ноқулай аҳволда қолган санъаткор концерт бўлишидан икки соат олдин ҳазилкаш сартарошнинг уйига бориб, воқеани баён қилди. Сартарош ваннахонада сочни бўяб:

— Ёш йигит бўлиб кетдингиз, акагинам,— деб кулиб қўйди.

Абулқосим ака бири кулиб, бошқаси анграйиб қараган таниш йўловчилар билан салом-алик қилиб филармония биносига кириб келди. Уни кўрган ҳамкасбларининг баъзилари ҳайрон, бошқалари кулади, айримлари эса қорнини ушлаб хахолайди. Сартарошнинг шумлигини пайқаган Абулқосим ака кўзгуга қараса, не кўз билан кўрсинки, соч жонивор тўрт хил рангга бўялган экан.

— Оббо, сартарош тушмагур, роса боплабди-ку,— дея Абулқосим аканинг ўзи ҳам кулди.

— Кўчадан шу аҳволда келдингизми?— сўради Эркин Тўйчиев.

— Ҳа-да, қандоқ қилай, бошимга қарай олмасам?

— Сизда бош бўлса қарайсиз-да,— деди ҳазилкаш дўстларидан бири.

### ТУП ҚЎЙИБ, ПАЛАК ЁЗ

Саккиз кишилик беморхонада кекса отахон беморлар зерикмаслиги учун ўтган-кетгандан гапириб ўтирган эдилар, бўш ўринга янги бемор ётқизилди. Ҳамширалар чиқиб кетиши билан отахон дуо қилдилар:

— Туп қўйиб, палак ёз.

Чекка ўринда этган Абулқосим Тўйчиев ёқасини ушлади:

— Шунча жаҳонгашта бўлишимга қарамай беморнинг касалхонага туп қўйиб, палак ёзиши мумкинлигини билмас эканман.

### ЕРГА ҚЎЯМАН

Абулқосим Тўйчиев ишдан қайтиши билан хотини сайрай кетди;

— Энг яқин дўстингизнинг хотинидан эшитдим, унинг эрига, хотиним золим, менга кун бермайди, уйнинг ишини қилдиради, у менинг бошимга чиқиб олган дебсиз.

— Бўлмаган гап, агар мени бошимга чиқиб олсанг, биласанми, нима бўлади, сени дарров «ерга қўяман».

### ТИЛДАН ҚОЛГАН

Кўчада Абулқосим Тўйчиев билан гаплашиб кетаётган дўсти қаршисидан келаётган кекса кишига таъзим билан салом берди. Чол юзини тескари томонга ўгириб индамай ўтиб кетди. Ҳайрон бўлган йигитга Абулқосим ака изоҳ берди:

—Ажабланманг, бу ота ёшлигида ўта маҳмадона, биров бир оғиз гап гапирса, тўрттани қўндирадиган шаллақи, бўлар-бўлмас гап билан қулоқ-мияни қоқиб қўлга берадиган одам бўлган экан, ҳозир унинг «гап халта»сидаги гаплари тугаб, тилдан қолган.

### КАСАЛЛИК

Абулқосим Тўйчиев невропатолог шифокор ҳузурига кириб, ўзида паришонхотирлик касали бошланганидан шикоят қилди.

— Айтингчи,— сўради шифокор,— сизда касалликнинг қандай аломатлари намоён бўлаяпти?

— Бир жойга қўйган нарсамни ўз жойидан топа олмайман, дўппини бу уйга ечиб, нариги уйдан қидираман.

— Тушунарли, сизда паришонхотирлик касалининг 1-босқичи бошланибди.

— Ҳали бошқа босқичлари ҳам борми?

— Бор бўлганда қандоқ, 2-босқичда қўлингизда турган нарсани қаерга қўйган эдим, деб қидирасиз. 3-босқичда бозорга харажатга тушиб, нима харид қилишингиз кераклиги эсингиздан чиқади. 4-босқичда ваннага кириб ювинасиз, чиқиб кийинаман десангиз, ечилган кийимлар йўқ, бошқа кийим олиб киймоқчи бўлсангиз, эгнингизда ҳўл кийим, ечинмаган бўласиз.

— Менинг касалим 4-босқичга ўтмайдими?

— Агар ўзингиз кулиб, одамларни кулдириб юрмасангиз албатта ўтади.

Айрим кишиларнинг гапларига қараганда, Абулқосим ака одамларни ўз касалининг кучайишидан қўрққани учун кулдирар экан.

### ТИНЧ ЎТИРА ОЛАРМИДИ?

Эркин ака Абулқосим Тўйчиевдан сўраб қолди:

— Кеннойим бирор иш қилмасалар тура олмас эдилар, йиқилиб оёқлари лат егандан кейин нима қилаяптилар?

— Эй, ука, у тинч ўтира олармиди, ҳар куни бир иш топади.

— Чўлоқ оёқ билан-а?!

— Оёқ чўлоқ бўлса, жағ бутун-ку, бирор нарсадан баҳона топиб, жанжал қилиб турибди.

### КЕЧАСИ ҚЎРҚМАЙДИЛАР

Абулқосим Тўйчиевнинг беш ёшли кенжатой ўғли онасига деди:

—Ойи, сиз бугундан бошлаб биз билан ётаверинг.

— Нега тойчоқ?

— Дадам катта киши бўлиб қолдилар, энди ўзлари ётсалар, кечаси қўрқмайдилар.

Убайдулла
АБДУЛЛАЕВ.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА БИЛДИРУВЛАР

**Ўзбекистон Шоличилик илмий тадқиқот илмгоҳи қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:**

1. Ўсимликлар физиологияси ва биохимияси лабораториясига:

| | | |
|---|---|---|
| Мудирлик лавозимига, | | |
| Қишлоқ хўжалик фанлари доктори | | |
| Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди | | 1 ўрин. |
| Бош илмий ходим | қ.х.ф. | 1 ўрин. |

2. Ўсимликлар агрохимияси лабораториясига:

| | | |
|---|---|---|
| Мудирлик лавозими | қ.х.ф.д. | |
| | қ.х.ф.н. | 1 ўрин. |
| Бош илмий ходим | қ.х.ф.н. | 1 ўрин. |

3. Агротехника бўлимига:

| | | |
|---|---|---|
| Мудирлик лавозими | қ.х.ф.д. | |
| | қ.х.ф.н. | 1 ўрин. |
| Бош илмий ходим | қ.х.ф.н. | 1 ўрин. |

4. Нав яратиш бўлимига:

| | | |
|---|---|---|
| Бош илмий ходим | қ.х.ф.н. | 2 ўрин. |

5. Илмий котиб қ.х.ф.н. 1 ўрин.

6. Иқтисод лабораториясига:

| | | |
|---|---|---|
| Мудирлик лавозими | қ.х.ф.д. | 1 ўрин. |
| Катта илмий ходим | қ.х.ф.н. | 1 ўрин. |

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ариза, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, кадрлар шахсий варақаси, таржимаи ҳол, тавсифнома, дипломлар нусхаси, илмий ишлар рўйхати, фотосурат 3х4 — 4 дона.

Танлов муддати 1995 йил 1 октябрга қадар.

Танловда пенсия ёшигача бўлган олим ва олималар қатнашиши мумкин.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Авангард» қишлоғи, Ўзбекистон шоличилик илмгоҳи. Амир Темур хиёбонидан Тошкент — Тўйтепа (терма) автобуси, «Рисоопитний» бекатигача.

Шаҳардан келиб ишловчилар учун метронинг «Амир Темур» бекатидан илмгоҳнинг махсус транспорти юради. Қўшимча ойлик маош ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш имтиёзлари бор.

## ДИҚҚАТ!

Қиш мавсумига тайёргарлик ишларини олиб бориш зарурияти туфайли иссиқлик марказлари (ИМ) вақтинча тўхтатилиши мўлжалланяпти. Иссиқ сув таъминоти қуйидаги муддатларда зоналар бўйича тўхтатилади.

1-ИМ — ТошДНЭС микрорайони, Яланғоч ва «Тошсельмаш» мавзелари, Х.Абдуллаев шоҳ кўчаси, Буюк Ипак йўли (аввалги Луначарский шоссеси), Новомосковская, Эргашев, Пушкин, Паркент, Доғистон, Володарский, Невский ва «ВЛКСМ 40 йиллиги» кўчаларида — 11 дан 16 сентябргача;

2-ИМ — 18 дан 23 сентябргача: Қорасув, Феруза, Черданцев—2 мавзелари;

3-ИМ — 4 дан 9 сентябргача: М1-10, 11, 14, 26, 27, 28, Ўзбекистон, Навоий, Абай кўчалари, Олмазор, Бешёғоч мавзелари;

4-ИМ — 18 дан 23 сентябргача: М-4, 5, 6, 12, 13, 15, 17, 18 мавзелари, Юнусобод, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4 мавзелари, Себзор, Амир Темур, Катта Олмазор кўчалари;

5-ИМ — 11 дан 16 сентябргача: Чилонзор мавзеси 12, 16, 17, 18, 19, 20, 26-даҳалари, Дўмбробод;

6-ИМ — 18 дан 23 сентябргача: Қуйлиқ мавзеси, Ипподром, Гайдар, «Новый путь» кўчалари;

7-ИМ — 25 дан 30 сентябргача: Авиасозлар шаҳарчаси, Оҳангарон шоссеси;

8—ИМ — 4 дан 9 сентябргача: Сирғали мавзеси;

9-ИМ — 25 дан 30 сентябргача: Ўрикзор мавзеси, «Қизил Шарқ» мавзесининг 20"А», 22, 24, 25, 30, 31-даҳалари: Чилонзор мавзесининг 21, 22, 23, 24, 25-даҳалари; «Алгоритм» мавзеси;

10-ИМ — 25 дан 30 сентябргача: ТошМИ ва Талабалар шаҳарчаси, Ибн Сино мавзеси; Қорақамиш 2/3, 2/4, 2/5, Тансиқбоев мавзеси, М-27, 28; Б-1, Б-2, Б-3 даҳалари, Беруний, Генерал Узоқов кўчалари;

ТошДавТУ мажмуаси.

***Маълумот учун телефон: 62-68-38.***

***ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК МАРКАЗИ.***

## ТАШКИЛОТ

озиқ-овқат ва саноат молларини

**СОТАДИ.**

Ҳақ тўлаш усули — сизга маъқули.
Товар айирбошлаш ҳам мумкин.

* * *

5 га майдонга эга бўлган омборхоналарни ижарага беради.

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
***92-96-15, 92-96-45, 90-35-93.***


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ташқи алоқалар Бош бошқармаси жамоаси ушбу бошқарма бошлиғининг ўринбосари З.Тошматовга волидаи муҳтарамалари **ЗУМРАД аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси вентиляция участкаси бошлиғи **Юсуфжон Содиқович САГАТОВнинг** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош — уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент оқшоми
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.
Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.
"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.